

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил „ 28 “ декабрь

№ ПҚ-3448

“ — ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2017 йилги версиясини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини жаҳон амалиётида қўлланилаётган Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими (2017 йилги версияси) билан янада унификациялаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан жаҳон савдосида муомалада бўлган товарларнинг халқаро таснифини уйғунлаштириш мақсадида Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизимига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, улар 2017 йилда кучга кирди.

2. Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган янги тизими негизида ишлаб чиқилган 2017 йилги версиядаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги (Ж.Ходжаев), Давлат божхона қўмитаси (М.Тохирий) 2018 йилнинг 1 январига қадар 2017 йилги версиядаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси чоп этилишини ва у манфаатдор ташкилотларга етказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида” 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ-1816-сонли қарори 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташки савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташки савдо вазири Ж.А.Ходжаев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.В.Тохирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри